



Масъулият унутилган жойда муваффақият ҳам бўлмайди

4-с.

Мулоқотнинг энг афзали — қалбга йўл топмоқликдир

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№42
(2370)

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

СЕМИНАР

Тажриба ва тараққиёт уйғунлиги акс этган мулоқот

Пойтахтимизда “Ўзбекистон – Индонезия тажриба алмашинув дастури: Ўзбекистондаги маҳалла ва Индонезиядаги кампунг институтларининг ижтимоий ҳамоҳанглиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев, Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллодда ва мухтор элчиси Сити Руханин Жухаيتين ҳамда бошқа давлат ташкилотлари вакиллари, маҳалла раислари иштирок этди.

Тадбирда икки давлат ўртасида ижтимоий ҳамжиҳатлик, барқарор ривожланиш ва маҳаллий ҳамжамиятлар фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон маҳалласи ва Индонезия кампунглари ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар, хусусан, уларнинг инсон кадрини улуғлаш, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда жамоавий масъулиятни кучайтиришдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.



Семинар доирасида Индонезиянинг Жодипан, Триди ва Кампунг Пеланги каби машҳур кампунглари мисолида ижтимоий ташаббусларни туризм билан уйғунлашти-

риш тажрибаси тақдим этилди. Ушбу ҳудудларда санъат, миллий муҳит ва креатив ёндашув асосида туризм ривожлантирилиб, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга эришилгани қайд этилди. Мутасаддилар мазкур тажрибани Ўзбекистон маҳаллаларида ҳам жорий этиш, айниқса, туризм салоҳияти юқори ҳудудларда “маҳалла туризми”ни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Тадбир якунида томонлар туризм, маданият, ёшлар ва хотин-қизлар лойиҳалари, “ақлли

маҳалла”, “яшил туризм” ҳамда жамоатчилик дипломатияси йўналишларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан таклиф ва ташаббусларни илгари сурдилар.

Семинар Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳамжамиятлар фаолиятида илғор тажрибалар алмашинувини кенгайтириш ҳамда инсон манфаатларига хизмат қилувчи янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашда муҳим мулоқот майдони бўлди.

КУН НАФАСИ

“Ҳар бир маҳалла – футбол майдони” дастури умуммиллий ҳаракатга айланади!

Президент Шавкат Мирзиёев футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари, мураббийлар штаби, соҳа фахрийлари ва спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашув ўтказди.



Учрашувда миллий терма жамоанинг муваффақияти нафакат спорт соҳаси, балки бутун жамият ҳаётида катта руҳий кўтаринкилик уйғотгани қайд этилди.

Мулоқотда футболни маҳаллаларгача кенг ёйиш, уни ёшлар тарбияси, соғлом турмуш тарзи, интизом ва ватанпарварлик мактабига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда “Ҳар бир маҳалла – футбол майдони” дастури бошланиши белгиланди. Мазкур ташаббус умуммиллий ҳаракатга айлантирилади.

Дастур доирасида “Маҳалла лигаси” ташкил этилиб, 12-17 ёшли ўғил-қизлар ўртасида маҳалла футбол жамоалари тузилади. Ҳар йили хаваскор футболчилар иштирокида “маҳалла – туман – вилоят – республика” босқичларидан иборат мусобақалар ўтказилади. “Маҳалла лигаси” энг яхши иқтидорларни саралашда профессионал клублар учун муҳим база бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир болага ўз маҳалласида футбол билан шугулланиш, мусобақаларда иштирок этиш ва истеъдодини намоён қилиш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари жаҳон чемпионатида осон ўйин бўлмаслигини, миллий терма жамоа Португалия, Колумбия ва Конго каби кучли жамоаларга қарши майдонга тушишини таъкидлади.

— Эл-юртимиз сизларга ишонади, Президент сизларга ишонади. Боринглار, мардонавор ўйнанглар, Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилинглар, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бунёдкор” стадионида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини жаҳон чемпионатида тантанали кузатиш маросимида иштирок этди.

Президент
Матбуот хизмати
ахбороти асосида
тайёрланди.

АРАФА

Беморга умид, муҳтожга мадад — эзгулик туйғуси туфайли бардавом

“Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, мамлакатимизда 27 май — Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонланади.



Қарорга қўра, Қурбон ҳайити ҳудудларда миллий урф-одат ва қадрияларимизга уйғун тарзда, кўтаринки кайфиятда нишонланади. Айниқса, байрам кунларида юртдошларимиз учун муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса инсонларнинг қалбида эзгулик, шукроналик ва маънавий покланиш туйғуларини янада кучайтиради.

Маълумот учун, Қурбон ҳайити муносабати билан юртдошларимиз кетма-кет 5 кун — 27-31 май кунлари дам олишади. Президентимизнинг “2026 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги фармониغا асосан, иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, барча ходимлар учун 28 май — пайшанба ва 29 май — жума кунлари, шунингдек, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 30 май — шанба куни ҳам дам олиш куни этиб белгиланган.

Давоми 2-саҳифада.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?



ЭНГ КАТТА ЮТУҚ — РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ИНСОНЛАР ИШОНЧИ ВА ХОТИРЖАМЛИГИДА

Биринчи чорак якунига қўра, республика маҳаллалари орасида “ТОП-100” таълиқдан муносиб ўрин эгаллаган маҳалламизда бугун 2 400 нафардан зиёд аҳоли аҳил-инюк, барқарор ижтимоий муҳитда ҳаёт кечирмоқда. Бу рақамлар ортда оддий статистика эмас, балки инсон манфаатлари, меҳнат, ишонч ва изчил тизимли иш туридир.

Маҳалла фаолиятида биз учун энг муҳим тамойил — инсонни “муаммо” сифатида эмас, балки ўз ҳикояси, ўз орзуси ва ўз имкониятига эга шахс сифатида қабул қилишдир. Шу боис ҳар бир хонадонга кирилганда аввал тушуниш устувор бўлади. Оилалар билан ишлашда кўпинча очик айтилмайдиغان оғриқлар — иқтисодий қийинчилик, руҳий босим, фарзандлар келажаги ҳақидаги хавотирлар тингланади ва уларга ечим топишга ҳаракат қилинади.

Давоми 2-саҳифада.

7-САҲИФА

РАҚАМЛИ
ДУНЁДА
ЭНГ КУЧЛИ
ҲИМОА, БУ —
ҲУШЁРЛИК
ВА БИЛИМДИР!



8-САҲИФА

ТУНДА
ТУНАЛГАН
ДЎКОН
ҲАЛОВАТГА
БЕРМАС
ИМКОН...





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Феридун Синирлиўғлуни қабул қилди.



БМТ Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг чегара низоларини ТИНЧ ҲАЛ ЭТИШ РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ қабул қилди.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИГА Андижон вилояти Бобур шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган МУҲТАШАМ ҲАЙКАЛ ЎРНАТИШ лойиҳаси тақдимот қилинди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

АРАФА

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ — РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ИНСОНЛАР ИШОНЧИ ВА ХОТИРЖАМЛИГИДА

Бахром ХОНИЁЗОВ, Элликқалъа туманидаги ИБН Сино номидаги маҳалла раиси.

Жорий йилнинг ўтган даврида 40 нафарга яқин фуқаронинг бандлиги таъминланди. Аммо энг муҳим жиҳат — уларнинг ҳаётга қайтиши. Илгари “имконият йўқ”, деган фикр билан яшаган фуқаролар бугун ўзини ўзи банд қилган, тадбиркорликни бошлаган, хизмат кўрсатиш соҳасида ўз ўрнини топган. Ҳар бир бундай инсон ортида алоҳида суҳбат, ишонч, қайта-қайта берилган имконият ва руҳий қўллаб-қувватлаш турибди.

Маҳалламизда оилавий ажралишлар ва жиноятчилик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги тасодиф эмас. Бу — оилалар билан кечикмасдан ишлаш, уларнинг ички муносабатларидаги мувозанатни англаш ва керак бўлса, оғир вазиятда аралашиб, мулоқот орқали келишув йўлини топиш натижасидир. Айрим ҳолларда битта суҳбат ёки битта тўғри айтилган сўз бутун оиланинг тақдирини ўзгартирган.

Кўчабийлари тизими орқали ҳар бир кўча алоҳида жонли “организм” сифатида бошқарилмоқда. Кўчада яшовчи ҳар бир оиланинг кайфияти, ўзаро муносабати ва ижтимоий ҳолати доимий кузатув ва мулоқотда. Шунинг учун ҳам ҳудуд “яшил тоифа”да барқарор сақланиб қолмоқда. Бу ерда ободлик фақат кўча тозаллиги эмас, балки одамлар юзидagi хотиржамлик билан ҳам ўлчанади.



Энг долзарб масалалардан бири бўлган **миграция йўналишида** сезиларли бурилиш ясалди. Чет элда меҳнат қилиб юрган 110 нафар маҳалладошимиз юртга қайтарилди. Уларнинг аксарияти бандликка жалб қилиниб, даромадли меҳнат муҳитига йўналтирилди. Бу фақат қайтиш эмас, балки янги ҳаёт бошланиши сифатида баҳоланмоқда.

Мисол учун, Саломаддин Қулумовга паррандачилик йўналишида 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Лола Авазимбетова ва Комила Шабонбоева имтиёзли кредит эвазига оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Динора Матназарова ва Мансур Султонов “Бўстон МЕГА-текстиль” МЧЖга ишга жойлаштирилди.

“Еттилик” тизими орқали муаммоларга кечикиб эмас, балки олдиндан ёндашиш йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам мавжуд масалалар 100 фоиз ҳал этилди. Аммо бу рақамнинг ортида ҳар бир муурожаат, ҳар бир эшитилган дард ва ҳар бир оилага қилинган алоҳида эътибор мавжуд. Биз учун маҳалла, бу — фақат бошқарув тизими эмас, балки инсонлар бир-бирини эшитадиган, тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган жонли муҳитдир. Шу сабабли энг катта ютуғимиз рақамларда эмас, балки инсонларнинг юзида пайдо бўлган ишонч ва хотиржамликдadir.

Бугунги натижалар шунчаки эришилган кўрсаткич эмас, балки маҳаллада инсон манфаатини устувор қиладиган тизимли ёндашувнинг

амалий исботидир. Ҳар бир оила билан индивидуал ишлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаётий ҳолати ва ички кечинмаларини тинглаш орқали ишонч муҳити шаклланди. Шу ишонч ижтимоий барқарорлик, бандлик ва ободликнинг асосий омилига айланди.

Албатта, бу йўлда тўхташ йўқ. Олдимизда янада мураккаб, янада масъулиятли вазифалар турибди. Аммо бизда энг муҳим таянч бор — аҳоли ишончи ва биргалликда ҳаракат қилиш маданияти. Шу таянч билан маҳалламиз келгусида ҳам “намунали” мақомини сақлабгина қолмай, янги тажрибалар учун амалий мактаб бўлиб хизмат қиладди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” маҳаллада аниқланади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” миллий танловига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Уюшма раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчиликда ўтказилган Республика комиссияси йиғилиши танловга тайёргарликни мувофиқлаштириш, жараёндаги ташкилий масалаларни таҳлил қилиш ва ҳудудлардаги масъул тузилмалар фаолиятини уйғунлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.



Муҳокамалар давомида айрим ҳудудларда танлов ўтказиладиган жойларни тайёрлаш, зарур жиҳоз ва хомашё билан таъминлаш, экспертлар таркибини шакллантириш ҳамда хавфсизлик талабларига риоя этиш борасида камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Мутасаддиларга аниқланган муаммоларни қисқа муддатда бартараф қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

цияси фаолияти билан ҳам танишди. Хитой тажрибасида мазкур йўналиш аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг самарали усуллари билан бири сифатида кенг йўлга қўйилган.

Делегация аъзолари ташриф давомида Хитойнинг қишлоқ хў-

жалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, маҳаллий аҳоли бандлигини ошириш ва ҳудудларда камбағалликни қисқартириш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб, мазкур амалиётни мамлакатимизда қўллаш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Таъкидланганидек, жорий йилда танловда иштирок этиш учун маҳаллалар кесимида 270 минг нафардан ортиқ ёш, техникумлар кесимида эса 11 минг нафар ўқувчи ариза топширган. Компьютер графикаси, электромонтаж, қурилиш, пайвандлаш, ошпазлик каби йўналишларга юқори қизиқиш билдирилаётгани ёшлар ўртасида замонавий ва амалий касбларга интилиш кучайиб бораётганини англатади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш ҳам эътибор марказида. Хусусан, 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ долларидан маблағ ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилди.

Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар заиф овқат тўпламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар “Вақф” хайрия жамоат фондида ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Байрам кунларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонлари ёзиш, зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган. Умуман, бу муборак кунларда маҳаллаларда муҳтожларга қўмак бериш, беморлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни эъозлаш, ота-она ва яқинлар дуосини олиш каби олий фазилатлар янада юксак маъно касб этади.

Айниқса, байрам арафасида амалга оширилаётган кенг қамровли хайрли ишлар, ижтимоий ҳимоя чоралари ва саховат тадбирлари “Инсон кадри учун” тамойили амалда ўз ифодасини топаётганини яққол намоян этади. Бу эса Қурбон ҳайитининг нафакат диний-маърифий, балки юксак ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ: МАҲАЛЛА, БАНДЛИК ВА ЭКОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ УЙЎНЛИГИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходимлари ҳамда бир гуруҳ маҳалла раисларидан иборат делегация Хитой Халқ Республикасида бўлиб турибди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Гуаншанху экологик цивилизация кўргазма марказига ташриф буюриб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, маҳаллаларни ободонлаштириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда экологик маданиятни юксалтириш борасидаги илғор тажрибалар билан яқиндан танишди. Учрашувлар давомида мазкур йўналишларда амалга оширилаётган самарали амалиёт-

лар юзасидан фикр алмашилиб, келгусидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, делегация Жинъюан ижтимоий ҳудудида қуйи бугун фаолиятини ўрганди. Бу ерда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизими, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тизимлар билан яқиндан танишилди. Ижтимоий жамият раҳбари Юань Чинг билан ўтказилган мулоқотда маҳалла инфратузилмасини шак-

лантириш, ижтимоий ҳудудлар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ходимлар учун яратилган шароитлар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Маълумот учун, мазкур ижтимоий ҳудуд ташкил этилганига 10 йилдан ошган бўлиб, бу ерда 200 дан ортиқ корхона, муассаса ва чакана савдо шохбчалари фаолият юритади. 2024 йилда жамоатчилик кўмитаси “Миллий бирлик тараққиёти учун миллий намунали коллектив” унвони билан тақдирланган.

Ташриф давомида делегация Гуйчжоу провинциясининг Лонгли округида жойлашган ёввойи тиканли нок етиштириш планта-





**ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ
ХАВФСИЗЛИГИ
ҚЎМИТАСИ** ҳамда
Чорвачилик ва яйлов
хўжалигини ривожлан-
тириш агентлиги
ташkil этилади.



**ҲУКУМАТ
ҚАРОРИГА КЎРА,
Қорақалпоғистон
ва Хоразмда берилган
харид чеклари асосида
ютукли ўйинлар
ташkil этилади.**



**Ер участкасининг
ижара шартномасини
Давлат хизматлари
марказлари ёки
ЯИДХП (my.gov.uz)
оркали ЯНГИ МУДДАТГА
УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ
белгиланди.**

**2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА**

Mahalla №42

3



СИРДАРЁ

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

■ МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“ЎСИШ НУҚТА”МИЗ АНИҚ: ҲАР БИР РЕЖА ҲИСОБ-КИТОБ АСОСИГА ҚУРИЛГАН

Албатта, бирор юмуш билан банд, меҳнатдан қочмайдиган инсон камбағал бўлмайди, рўзгорини бутлашга ҳаракат қилади. Шу боис туманни ишсизликдан ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш учун, аввало, аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор беряпмиз.



**“Бир
маҳалла —
бир маҳсу-
лот” тамо-
йили ҳам
катта қу-
лайлик
яратяпти.
Етиштирил-
ган маҳсу-
лотларни
етақчи тад-
биркорлар
эркин бозор
нархида со-
тиб оляпти.**

**Шухрат
хўшмуродов,
Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси
Гулистон тумани
бўлими бошлиғи.**



Меҳнат ярмаркалари, сайёр қабуллар ва тадбиркорлар билан учрашувларда бўш иш ўринлари ҳақида маълумот етказяпмиз. Хоҳиши бору имконияти, маблағи йўқларга молиявий кўмаклашяпмиз. Йил бошида 1 400 нафардан зиёд ишсиз аниқланган эди. Саъй-ҳаракатимиз билан уларнинг 967 нафари ишга жойланди, бандлиги таъминланди. Ҳар бир режамиз аниқ ҳисоб-китобга асосланган. Мисол учун, ссуда ва кредит маблағини маҳаллаларнинг ихтисослашувига қараб ажратишни йўлга қўйдик. Авваллари фақат ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг талаби асосида ажратилгани учун самарадорлиги паст бўларди, кўп ҳолларда қайтарилиши муаммога айланарди. Янги ташаббус яхши самара берди. Эндиликда “Ўсиш нуқта” орқали кўшимча иш ўринлари яратилляпти. Мисол учун, “Соҳилон” маҳалласи балиқчиликка, “Шарқ ҳақиқати” маҳалласи чорвачиликка ихтисослашди. Муҳими, уларда кредитдан қарздорлик йўқ.

Ишлаган, изланган инсоннинг йўли очилавераркан, янги ташаббуслар яхшиликларга сабаб бўлавераркан. Шу маънода биз ҳам фаолиятимиз давомида янгиликка қўл урдик. Туман маҳаллалари ўртасида соғлом рақобатни йўғотиш учун энг фаол маҳалла муаммосини ҳал этиб беряпмиз. Масалан, қайси йилнинг аҳолиси бирлашиб, битта маҳсулотни экиб, томорқасидан самарали фойдаланаётган бўлса, уларга молиявий кўмак кўрсатяпмиз.

Масалан, “Аҳиллик” маҳалласи “оғир” тоифадаги ҳудуд эди. Томорқадан самарали фойдаланиш натижасида ишсизлик тўлиқ бартараф этилди. Қолаверса, тадбиркорлик ҳисобига кўрсаткич янада яхшиланди. Биргина қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонада 5 та янги иш ўрни яратилди. Ишсизлар сафидан бўлган Жаннат Исмоилованинг қизиқиши ва қобилиятига кўра, субсидия асосида тикув машинаси олишга ёрдамлашдик. Эҳтиёжманд аёл тадбиркорга айланди. Ишсизликдан холи ҳудудга айланган маҳаллага иккита сўғориш қудуғи қазиб берилди. Натижада 420 та хонадон оқова сув муаммосидан қўтилди.

Албатта, режалар улкан. Шу орқали камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун ҳафсала ҳам, энг муҳими, имконият ва шароит ҳам етарли.

ТАШАББУС

Бу ҳовлида ҳар доим баҳор ҳукмрон"

Бекзод Мадисманов қиш фаслида иссиқхонада, баҳордан далада қулупнай етиштиради. Деҳқоннинг уйидан йил давомида бу мева узилмайди.



**Бекзоджон ДАВЛАТОВ,
Ангрен шаҳридаги “Ҳақ-
карман-Янги Жигаристон”
маҳалласи ҳоким ёрдам-
чиси.**

Бу инсон умрини шу соҳага бағишлаган. Қишда ҳам ҳовлиси ҳудди баҳордагидек яшнаб туради. Ишни 3 йил олдин иссиқхонада оддий гулдонларга қулупнай кўчатларини парваришладан бошлаган эди. Унга 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга кўмаклашдик. 3 сотих ер майдонида “Корея” навли қулупнай етиштириб, бугун фаолиятини кенгайтириб олди.

**Одатда, одамлар
баҳорни орзу қилиб
кутади. Маҳалламиз-
даги хонадонларда
эса ҳамиша баҳор,
қиш фаслида кўчада
қор бўлса, иссиқхона-
ларга кирсангиз, мева
пишиб турган бўлади.
Тупидан узиб еб, маза-
сидан баҳраманд бў-
лишга нима етсин?!**

**■ “ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА
ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

Бирлашиш, жам бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш ҳар қандай ютуқнинг калити эканини биров билар, биров билмас. Аммо бунда катта ҳикмат, муваффақият борлигини биз, маҳалладошлар янада яхши англадик, кўрдик, ҳис қилдик.

“Бирлашиб, ҳамжиҳатликда муваффақиятга эришдик”

**Отабек Йўлдошев,
Навбаҳор туманидаги
“Келачи” маҳалласи раиси.**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг алоҳида натижаларга эришган “ТОП-100” маҳаллалар рейтингидан ўрин олди. Бу эътироф нафақат “еттилик” ходимларига, балки шу ҳудудда яшаётган аҳолининг ташаббускорлиги, изланувчанлигига берилган баҳодир.

Биргаликда ҳеч бир масалани ечимсиз қолдирмаймиз. Ҳашар ва ҳомийлик орқали ҳатто, узоқ йиллик муаммолар ҳал этиляпти. Қишда лой, ёзда чанг бўладиган абгор йўллар асфальтляяпти. Ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгариб борапти. Бундан ташқари, “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 9 миллиард 500 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, ички кўчалар таъмирланди. Айни пайтда ичимлик сув тармоғи тортиляпти, сўғориш насоси, ёритиш чироқлари ўрнатилиб, пиёдалар йўлаклари барпо этиляпти.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Алишер МАМАДАЛИЕВ. Риштон тумани:

**— Қандай вазиятда ходим меҳнат таътили
муддатини узайтириши ёки бошқа му-
датга кўчириши мумкин?**

ҚАЙСИ ҲОЛАТДА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ МУМКИН?

**Лазиз ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва
бандлик вазирлиги ходими:**

— Меҳнат кодексига кўра, ходим айрим вазиятларда ҳар йилги меҳнат таътилининг узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга. Жумладан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида, ҳомилдорлик ва туғиш таътилининг муддати бошланганда, ҳар йилги меҳнат таътили ўқув таътилига туғри келиб қолганда, давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариш даврида, жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда бунга рухсат берилади.

Бундан ташқари, меҳнат таътилидан фойдаланишга тўққинлик қилувчи сабаблар вужудга келганида, бу ҳақда иш берувчини ёзма равишда хабардор этиши шарт.



Қолаверса, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича 3 миллиард 783 миллион сўм маблағ ажратилиб, туну кун аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган кўча ишга тушириляпти. Ҳозиргача боши берк, бир тарафлама — қаровсиз, ёзда чанг-тупроқ, ёғингарчиликда лой бўладиган кўча текисланиб, шағал ётқизилди. Автомобиль йўли, пиёдалар ва бир километр узунликдаги велосипед йўлаклари қурилди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Натижада кечагина қаровсиз, ёпиқ бўлган кўча — марказий манзилга айланыпти.

Бу иш ортидан автоомбилларни таъмирлаш, хунармандчилик, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, меҳмонхона, чойхона, савдо дўконлари фаолияти йўлга қўйилляпти. Ишлар ниҳоясига етгач, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун ёпиқ футбол майдони, фитнес клуб, кутубхона ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари туну кун ишлайди. Нафақат Ижтимоий реестрдагилар, балки бутун маҳаллада ишсиз фуқаро қолмайди.

**Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.**



ҚИРҒИЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН чегарасидаги учта назорат-ўтказиш пункти 24 соатлик иш тартибига ўтди.



ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСКАНЛАРИ фаолиятининг КРП кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби белгиланди.



Фуқароларнинг ипотека кредитларини қоплашга йўналтирилган даромадлари бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш ПРОАКТИВ ТАРТИБДА амалга оширилади.

4

Mahalla

№42

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАН ЖОЙДА МУВАФФАҚИЯТ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

Масъулиятли кишиларга ҳурматим баланд. Сабаби, бу фазилат кишини тартиб билан ҳаракат қилишга, фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатлари йўлида фидокорлик кўрсатишга ундайди. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан ҳис қилиб, фаолият юритиш ютуқ ва юқори натижалар сари йўл очади.

Дилшоджон
НУРИДДИНОВ,
Косонсой туманидаги
“Боғ” маҳалласи
раиси.

2014 йилдан бери маҳаллага раислик қилиб келаётган бўлсам, ўзим учун шу каби яна қўллаб-хўлосларни чиқардим. Халқ билан ҳамнафас яшаш, улар билан қалб-бан яқин бўлиш муаммоларга ечим топишда жуда муҳим саналади. Шу боис идора юмушлари, ҳужжат ишларидан ташқари, ҳудудни айланиш, хонадонларга бирма-бир кириб чиқишни ўзим учун доимий вазифа сифатида белгилаб олганман.



НАМАНҒАН

“Еттилик” вакиллари билан ҳар бир топшириққа жиддий ёндашамиз. Ҳеч қандай масала эътиборимиздан четда қолмаяпти. Баъзан кун бўйи аҳоли вакиллари билан ишлаб, кечалари ҳужжат тўлдириш билан шуғулланишга тўғри келади. Ҳар иккисини баробар олиб бориш жуда муҳим.

Жорий йилда “Ташаббус-ли бюджет” лойиҳасида голиб бўлиб, ички кўчаларимизни асфальтлаштирадиган бўлдик. Тез орада таъмирлаш ишлари бошланиш арафасида. Қолаверса, ичимлик сув билан боғлиқ муаммоларни ҳам тўлиқ бартараф этдик. Шу каби ободонлаштириш тадбирларини тизимли рившда давом эттиряпмиз. Келгусида кўчаларни маълум бир йўналишларга ихтисослаштиришни мақсад қилганмиз. Масалан, узум, ўрик ҳамда гилос етиштиришни тарғиб қилиш орқали, оила вакилларининг даромадини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Олиб борилаётган тадбирлар самараси ўлароқ, тобора камбағаллик кўрсаткичи қисқариб борапти. Йил бошида Ижтимоий реестрга 95 та оила киритилган бўлса, ҳозир улар 88 тага туширилди. Ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни тарғиб этиш орқали аҳоли даромади ортиб борапти. Шаҳноза Қорабоева уч йилдирки, қандолатчилик билан шуғулланиб келяпти. Хотин-қизлар фаоли билан бирга унга махсус жой ажратилишида ёрдам бердик, имтиёзли кредит асосида

фаолиятини йўлга қўйишда қўмаклашдик. Айни вақтда 3 нафар ходими билан бир-биридан мазали пишириқлар тайёрлаяпти. Айни вақтда 130 кишига 10 сотихдан 30 сотихгача бўлган ерлар ижарага берилган бўлиб, миришкорларимиз икки-уч қайтадан экин экиб, мўл ҳосил олишни уddала-япти. Меҳнат қилиш фақатгина деҳқонга эмас, балки бутун юртга қўт-барақа олиб қиради. Шундай экан, ишлаш истагини билдирганларни қўллаб-қувватлаш биринчи галдаги вазифамиздир.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

МЕҲНАТИДА БАРАКА, ҚАЛБИДА МЕҲР, СЎЗЛАРИДА ДУО МУЖАССАМ

Тонг саҳардан туриб, хонадон ишларида киришадиган, ҳали қуёш нурлари ерга тўлиқ ёйилмай юмушларини бошлайдиган қишлоқ аёлларининг ҳаёти ўзига хос ибрат мактабидир. Улар нафақат фарзанд тарбияси, балки миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда ҳам катта масъулиятни елкаларида кўтариб келмоқда.

Нигина ШОЕВА,
журналист.

Яқинда Шўрчи туманидаги “Хушчекка” маҳалласида яшовчи хотин-қизлар билан учрашиб, уларнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, қалб кечинмалари билан ўртоқлашдик. Сўхбат жараёнида ҳар бир аёлнинг ҳаёт тажрибаси, меҳнат-севарлиги ва оилага муносабати уларга ҳурматимизни оширди.

Маҳалла фаолларидан бири Гулзода опа Шаймардонова ҳаёти ва кундалик машғулоти ҳақида тўхталиб, шундай дейди:

— Олийгоҳда таҳсил ололмамдм, лекин шу юртда яшаётганимдан, фарзандларим ва набираларим учун ибратли аёл бўлишга ҳаракат қилаётганимдан фخرланаман. Бўш вақтимда чопон тикаман, урчуқ йигираман. Кўшнilar билан биргаликда таом тайёрлаймиз. Келинларимизга, жоиз бўлса, кўшни келинларга ҳам урф-одатларимизни, миллий анъаналаримизни ўргатамиз. Насиҳат қиламиз. Уларнинг бахтли ва фаровон яшаши бизни қувонтиради.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Онанинг уриб турган юраги енгилмайди

Ҳаёт гоҳида одамни шундай синовларга рўбарў қиладики, баъзан бунга қучли эркаклар ҳам дош беролмайди. Аммо гап ўз фарзандларининг келажаги учун қайғурадиган она ҳақида кетганда, у ҳар қандай бўронга қарши тура оладиган қалқонга айланади.

Гулҳаё
АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон
журналистика
ва оммавий
коммуникациялар
университети
1-босқич талабаси.



Бугунги қаҳрамонимиз Муқаддас Абдуллаева эндигина 52 ёшни қаршилаган, ҳаётининг энг оғир зарбаларини, энг қора кунларини матонат билан енгиб ўтган тадбиркор аёл. — Ёш эдим, бағримда 4 нафар фарзандим билан Хоразмдан Тошкентга келдим, — дейди Муқаддас Абдуллаева. — Шаҳар жуда катта, таниш-билишимиз ҳам йўқ эди. Баъзан ейишга бир бурда нон ҳам тополмай қолардик. Болаларим очликдан қийналаётганини кўриб, чидаб тура олмасдим. Нима қилиб бўлса ҳам пул топишим керак эди. Ўша пайтларда иш топиш ҳам бироз мушкул эди. Бирдан бир ечим сифатида бозорга чиқиш, деб ўйладим. Қишнинг қаҳратонлиги, ёзнинг жазирасида ерга қийим-кечак ёйиб, энг арзон нархларда сотардим. Йиллар давомида кечани кеча, кундузни кундуз, демой қилинган меҳнат ниҳоят ўз самарасини беришни бошлади. Ёйма бозордан бошланган кичик савдо йирик бизнесга айланди.

Муқаддас опа қийинчилик нимагини, ишсизлик, пулсизлик инсонни қанчалик қорасиз аҳволга тушириб қўйишини жуда яхши билади. Шунга қарамай, аёл ҳаракат қилишдан, олға интилишдан тўхтамади. “Еттилик” вакиллари-нинг қўмаги билан Хазорасп туманидаги “Жуварҳаз” маҳалласида хусусий болалар боғчаси очишга қарор қилди. Айни вақтда мазкур таълим муассасасида 50 нафарга яқин бола шинам ва замонавий шaroитларда таҳсил оляпти. Шу орқали 8 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга ўз хиссасини қўшяпти.

Аёл қийинчиликдан то фаровон турмушга қадар бўлган масофани ўзининг матонати, ҳалоллиги ва фарзандларига бўлган чексиз муҳаббати билан босиб ўтди. Бу ҳикоя ҳаёт йўлларида қийналган қорасиз қолган ҳар бир аёл учун ёрқин маёқдир. Зеро, она юраги уриб турар экан, дунёда енгиб бўлмайдиган ҳеч қандай қийинчилик йўқ.

Ҳилола ДУСАНОВА,
Нарпай туманидаги “Ипак йўли”
ва “Нўғай” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламиз “драй-вери” деҳқончилик ҳисоблашиб, хотин-қизларнинг кўпчилиги 10-30 сотихдан иборат томорқасида полиз экинларини етиштириш билан шуғулланади. Охириги йилларда иссиқхона ташкил этиб, йил давомида даромад топаётганлар сони кескин ортган.



Бундан ташқари, аёллар орасида тадбиркорликка қизиқувчилар ҳам кўп. Жорий йил бошидан буён уларнинг 8 нафарига имтиёзли кредит ажратиб, ўз фаолиятини бошлашга қўмаклашдик. Қолаверса, яна 3 нафар фуқаро номидан субсидия олишга ариза киритганмиз.

Мадина Ҳақимова икки-уч йилдан буён уйида яримтайёр таомлар қадоқлаш билан шуғулланади. Тадбиркор уч нафар ходими билан биргаликда чучвара, лағмон ҳамда сомса хамирларини буюртма асосида харидорларга етказиб берапти. Даромади борган сари ортиб, савдо қўлами кенгаймоқда.

Урни келганда ўзим дуч келаётган айрим масалалар бўйича тақлифларим бор эди. Охириги вақтда орасидан бироз гап қочиб, ота уйига кетиб қолган аёллар болалари учун алимент талаб қилиб ариза берапти. Бу ҳолат муносабатларни янада чигаллаштиряпти. Айрим оналар “пулим бор-ку, фарзандларимни ўзим катта қиламан”, деб ярашишни хохламаяпти. Назаримда, қонунчилик орқали шу нарсани ислоҳ қилиш керак.

Иккинчи масала, ажрашиш учун ариза топширигanda тўланадиган давлат божини икки тарафга тенг тақсимлаш керак. Эҳтимол, нархни бироз ошириш орқали қимнидир бу фикрдан қайтариш мумкин. Оилаларни тушунтириш, тўғри маслаҳат бериш билан йўлга солиб бўлмайдиган ҳолатларда шу қонун ҳужжатлари билан чекловларни ошириш керак.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМҲУЖАЕВА
тайёрлади.



Тошкент метросида йўловчи БОСИБ ЎТГАН МАСОФАСИ ёки БЕКАТЛАР СОНИГА қараб ҳақ тўлаш тизими жорий этилади.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН чегара ҳудудларида мобиль алоқани яхшилади.



Ўзбекистонда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш сифати ТЕСТ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ баҳоланади.

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №42

5



“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

МУЛОҚОТНИНГ ЭНГ АФЗАЛИ — ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПМОҚЛИКДИР

Мен 21 йил давомида математика фани ўқитувчиси бўлиб ишладим. Сўнгги тўрт йилдан буён эса раислик вазифасида фаолият юритиб келмоқдаман.

Клара САРСЕНБАЕВА.
Конимех туманидаги “Кўкча” маҳалласи раиси.

Албатта, мактабдаги болалар билан маҳалладаги турли қатлам вакиллари орасида катта фарқ бор. Уларнинг дарди ҳам, қувончи ҳам, муаммоси ҳам турлича. Аммо мен бир нарсани англадим: ҳар қандай муаммонинг ечимига элтадиган йўл доимо бир хил экан. Бу — одамни эшита билиш, тинглаш, кўнглига йўл топиш ва ҳушмуомалиқликдир. Кўнгил деганлари жуда нозик бўлади. У ёш танламайди. Катта бўладими, кичик бўладими — меҳрни ҳам, эътиборни ҳам бирдек ҳис қилади. Балки мен ҳам кўнгил одами бўлганим учундир, фуқароларнинг руҳиятига яқин бўлишга, уларни тушунишга ва ҳар бир ишда, аввало, инсонийлик билан ёндашишга ҳаракат қиламан. Чунки одамлар билан ишлашнинг энг катта сири — унинг қалбига етиб боришда.

БУНЁДҚОРЛИК

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут туманларида замонавий маҳалла бинолари фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ БИНО ИЖАРА ТАШВИШНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ



Янги биноларнинг энг муҳим жиҳати — “маҳалла еттилиги” фаолияти учун ягона иш майдони яратилиб, турли идоралар ўртасидаги ҳамкорликни бир жойга жамлаган ҳолда амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Айтиш керакки, бугунгача кўплаб маҳаллалар ўз фаолиятини турли мослаштирилмаган шароитларда — ижарада, бошқа ташкилотларга тегишли иншоотларда ёки эски, замон талабларига жавоб бермайдиган биноларда олиб боришга мажбур бўлди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли билан тезкор ва самарали мулоқот қилиш, муносабатларни тизимли қўриб чиқиш, ишчи самарали ташкил этишда муайян қийинчиликларни юзага келтирарди. Бугун вазият ўзгармоқда. Хусусан, Пастдарғом туманидаги “Кўшчиноҳ” маҳалласида замонавий талабларга жавоб берадиган янги бино фойдаланишга топширилди. Ушбу бинода “маҳалла еттилиги” учун алоҳида хоналар, фуқароларни қабул қилиш ва муносабатлар билан ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, “Қамолот” маҳалласида ҳам вилоят ва туман ҳокимлиги маблағлари, маҳалла фаоллари ташаббуси, аҳоли бирдамлиги ҳамда саховатпеша инсонлар кўмагида янги маъмурий бино бунёд этилди.

Ургут туманида ҳам ана шундай янгиланишлар кузатишмоқда. “Қуйи Ҳузор” маҳалласида қисқа муддат ичида барпо этилган замонавий маҳалла маркази фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, “Мустақиллик” маҳалласида ҳам янги бино аҳоли хизматида берилди. Бу бинолар фуқаролар муносабатлари билан ишлаш, ижтимоий масалаларни тезкор ҳал этиш ва маҳалла бошқарувини тизимли ташкил этишда муҳим ўрин тутди.



Маҳаллаимиз аҳли меҳнаткаш, тинчликни, ободликни ва тозаликни қадрлайдиган инсонлар. Бу ерда қозоқ ва ўзбек миллиятига мансуб 1 401 нафар фуқаро аҳил-инок яшайди. Бизнинг энг катта ютуғимиз — маҳалламизда оилавий ажралишлар йўқлиги, ишсизликнинг деярли бартараф этилганидир. Йил бошида 32 нафар ишсиз фуқаро бор эди. Ҳозир эса уларнинг барчаси иш билан таъминланди. Одамларимиз бир-бирига меҳрибон, ҳам-жиҳат. Шу боис маҳалламизда тинчлик ва тотувлик ҳукм суради.

Худудимизнинг асосий ўсиш нуқталари чорвачилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларидир. Еримиз тошлоқ бўлгани учун деҳқончилик қилиш анча мушкул. Экин эксак ҳам унум кам бўлади. Шу сабабли аҳоли, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Айрим хонадонларда ўн бошдан ортиқ қорамол, минг-икки минг бош қўй бокаётган фермер ҳўжаликлари бор. Хизмат кўрсатиш йўналишида эса аҳоли дўконлар, овқатланиш шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатиш масканларида фаолият юритмоқда.

Аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимо эътиборимиз марказида. Субсидиялар асосида тикув машиналари бе-

рилди. Ҳозир Рая Сарсенбоева, Мохинур Ортиқовалар ўз уйида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган. Ойма-ой пишириқчилик ва хунармандчилик йўналишида хотин-қизларимизга кредитлар ажратиб борамиз. Аёлларимиз қуроқ тикади — майда матолардан кўрпача жилдлари, дастурхонлар ва турли буюмлар тайёрлайди. Энг муҳими, улар расмий бандликка олиниб, ўз меҳнати билан оиласига даромад келтиряпти.

Албатта, “муаммо йўқ” деб айта олмайман. Инсон яшаган жойда муаммо ҳам бўлади. Бугунги кундаги энг мураккаб масалалардан бири — кредит масаласи. Баъзан бир оилادا битта одам ўз номига икки-учта

кредит олиб юборади. Кейин уни тўлашга қийналади. Етишмовчилик бошланса, оилада келишмовчилик ва жанжаллар ҳам юзага келади.

Шундай пайтларда мен уларга насихат қилишдан олдин, аввало, тинглашга ҳаракат қиламан. “Нега бу қадар юкни бўйинингизга олдингиз?”, деб сўрайман. Хар кимнинг ўзича сабаби бўлади. Лекин ҳаётда одам кўрпасига қараб оёқ узатиши кераклигини тушутираман. Агар оилادا биргина одам ишлаётган бўлса, ишга лаёқатли бошқа аъзоларни ҳам банд қилишга ҳаракат қиламиз. Чунки муаммонинг ечими — бир-биримизни қўллаб-қувватлашда.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙМИ?

Сабрина сабр билан синовларни сармояга айлантирди

Ромитан туманидаги “Ўтабек” маҳалласида истиқомат қилувчи 22 ёшли Сабрина Сафарова бир вақтлар олий таълимга қира олмагани учун тушқунликка тушган эди. Бироқ у бу синовни мағлубият эмас, балки янги имкониятнинг бошланishiга айлантира олди. Бугун ўзи қатиб ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаган.



— Мактабни битиргач, катта орзулар билан олий таълим муассасасига ҳужжат топширган эдим, — дейди С.Сафарова. — Афсуски, ўша йили ўқишга қира олмадим. Тикувчиликка бўлган қизиқишимни касбга айлантиришга қарор қилдим. Дастлаб фаолиятни уй шароитида, бир нафар ишчи билан бошладим. Ижтимоий тармоқлар орқали изландим, турли онлайн дарсларни ўзлаштирдим. Маҳалла ёшлар етакчиси кўмагида эса зарур тикув машиналарига эга бўлдим.

Навбахор НАРЗУЛЛАЕВА.



аёт ҳаммани бир хил синовдан ўтказмайди: кимдир мақсадига осон етади, кимдир эса йиқилиб-туриб ўз йўлини топади. Сабрина ҳам ана шундай машаққатли йўлни босиб ўтди. Илк фаолиятини 100 дона аёллар қўйлаги тикишдан бошлаган бўлса, бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми минглаб маҳсулотларга етган.



Маҳалладаги 25 нафар аёл шу ерда ишлаб, ўз оиласига даромад олиб қиярпти. Сабрина ишлаб чиқарадиган аёллар кийими ҳатто қўшни Қозоғистонга ҳам экспорт қилинади. Ёш тадбиркоримиз бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. У ўз цехини кенгайтириб, ишчилар сонини 100 нафарга етказмоқчи. Нафақат юртимиз бозорлари, балки дунё бозорига ҳам кириб бормоқчи.

Бугун ушбу кичик ташаббус замирида замонавий ишлаб чиқариш цехи шаклланган. Маҳалладаги 25 нафар аёл доимий иш билан таъминланиб, ўз оилалари даромадида муносиб ҳисса қўшмоқда. Сабрина ишлаб чиқараётган аёллар кийими эса нафақат маҳаллий бозорда, балки қўшни Қозоғистон бозорида ҳам ўз харидорини топтоқда.

Маҳалламизнинг истеъдодли ёшларидан бири — Жалолиддин Тошмиров ҳам Қозоғистон Республикасида ўтказилган халқаро “Talents of the new Uzbekistan” танловида иштирок этиб, амалий санъатнинг бадиий ёғоч ўймакорлиги йўналишида фахрли 1-ўринни эгаллади. Бу ютуқ бизнинг ёшларимизда нафақат куч ва ғайрат, балки катта истеъдод ва салоҳият ҳам борлигини яна бир бор исботлади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Аббос ЖОВЛИЕВ, Шўрчи туманидаги “Катта Сағур” маҳалласи ёшлар етакчиси.

У мақсадда уларга субсидиялар ва ссудалар ажрати-лишида кўмаклашдик. Икки нафар ёшни доимий иш билан таъминладик. Яна бир нечтасини хунаҳ ўрганиши учун тажрибали усталарга би-риктирдик. Чунки ёшларнинг қўлида хунаҳ бўлса, унинг ке-лажаги ҳам мустаҳкам бўлади.

Назарали Норбоев ва Сафарали Ярашовларга қарий 10 миллион сўмлик кредит олиб берилди. Олий таълим муассасасини тамомлаган бир йигитимиз эса давлат ишига киришни ният қилган. Лекин у фақат иш қўтиб ўтиришни эмас, уйдаги то-морқадан ҳам унумли фойда-ланишни ўйлаётди. У иссиқ-хона ташкил қилиш истагини айтди. Мана шундай ташаб-бускор, изланувчан ёшларни кўрсам, касбимга бўлган мухаббатим янада ортади.

Бугун маҳалламиздаги кўплаб ёшлар иссиқхона-ларда гуллар етиштиряпти. Айримлари помидор қўчатла-ри тайёрлаб, ундан даромад топтомоқда. Ёшларнинг хара-катини қўриб, “имконият бўл-са, натижа, албатта, бўлади”, деган фикрга яна бир бор амин бўламан. Шунга кўра, ёшларни тадбиркорликнинг бошқа йўналишларига ҳам

йўналтиряпмиз. Уларга: “Қўчма дўкон олинглр, бизнес бошлан-глр”, деб маслаҳат бермоқдамиз. Айниқса, ёз мавсумида салқин ичимлик ва музқаймоқ савдоси жуда сердаромад бўлади. Ҳатто мавсумий бўлса ҳам, айрим ҳол-ларда бир йиллик ер даромади-га тенг фойда олиш мумкин.

Ҳозир бир йигит шу бизнесга қаттиқ қизиқиб турибди. Аммо кредит тарихи яхши бўлмагани учун иш бироз тўхтаб қолди. Ле-кин унинг қўзидаги қизиқиш, ин-тилиш ҳали ҳам сўнмаган. Шунда ўйлаб қоламан: агар кредит олиш-нинг илоҳи бўлмаса, нега энди хомийлар ёрдамидан фойдалан-маслик керак? Ахир бир ёшнинг оёққа туриши — бир оиланинг эртанги кўни дегани.

Биз ёшларни нафақат меҳнат-га, балки спортга ҳам фаол жалб қиялпмиз. Ҳар кўни кечки пайт-да 50 нафардан ортиқ йигит-қиз спорт майдонларида машғулот ўт-казади. Ҳозир спорт майдонлари-мизда бўш жойлар мавжуд. Вор-каут ва стритбол майдончаларини лойиҳа асосида киритдик. Энди шу майдонларни қўриб битказсақ, яна минчи стадион ёки катта ста-дион учун тўртта йирик ёритгич чирокларни ўрнатилса, нур устига аёло нур бўларди. Чунки қоронгу-ликда болалар бироз қийналяпти.

Ёшларнинг ютуқлари бизга янада куч беради. Шўрчи туман-идаги 53 та маҳалла жамоалари ўртасида ўтказилган футбол мусо-бақасида “Катта Совур” маҳалласи жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Бу ғалаба нафақат фут-болчиларнинг, балки бутун маҳал-ламизнинг ғалабаси бўлди.





Ўзбекистон
Эронга 15 та
юк машинасига
ортилган навбатдаги
ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ таркибида
дори-дармон ва тиббий
воситаларни юборди.



Ўзбекистонда
қабристонларни
ободонлаштириш
учун уч йилда
1,6 ТРИЛЛИОН СЎМ
ажратилади.



ЮНЕСКО билан
ҳамкорликда
СИТОРАИ
МОҲИ ХОСА ва
ХУДОЁРХОН
САРОЙЛАРИ
реставрация
қилинади.

6

Mahalla

№42

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Ҳозирги кунда жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, руҳий носоғломлиги мавжуд ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг энг ҳимояга муҳтож тоифасига киради.

ВАСИЙЛИК НАФАҚАТ РУҲИЙ ДАЛДА, БАЛКИ МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ

Гўёхон ПАРПИЕВА,
Қўрғонтепа туманидаги
“Учкун” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Улар кўп ҳолларда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини мустақил равишда ҳимоя қила олмайди. Шу нуқтаи назардан, васийлик тизими мазкур шахсларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоясини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Васий шахс номидан ҳаракат қилади ва унинг манфаатларини ифода этади. Шу билан бирга, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мол-мулк ва молиявий манфаатларни бошқариш, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш, шахснинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради.



Васийлик тизимининг ижтимоий аҳамияти шундаки, руҳий носоғлом кишиларни жамиятдан четлатмасдан, уларни ижтимоий муҳитга мослаштиришга хизмат қилади. Шахсда ижтимоий ҳимоя ҳисси шаклланади, ҳуқуқлари поймол қилинишининг олди олинади, чекловлар камаяди, жамиятда инсонпарварлик тамойиллари мустаҳкамланади.

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, васийлик тизими кўп ҳолларда самарали ишласа-да, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, васийларнинг малакаси етарли эмаслиги, назорат тизимининг заифлиги ҳамда бюрократик тўсиқлари мавжудлигидир.

Мазкур тизимни тақомиллаштириш, биринчи навбатда, васийлар учун махсус тайёргарлик ва машғулотлар ташкил этишни талаб қилади. Рақамли технологиялар орқали шаффофликни таъминлаш, ижтимоий хизматлар билан интеграцияни кучайтириш мумкин. Давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантириш орқали мониторинг ва баҳолаш тизимини тақомиллаштириш керак.

Руҳий носоғломлиги мавжуд ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишда васийлик тизими жуда муҳим ва зарур институт ҳисобланади. Уни амалга татбиқ этиш нафақат ҳуқуқий ҳимоя воситаси, балки инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, тизимни тақомиллаштириш орқали мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳаёт сифати ошади, уларнинг жамиятга мослашуви кучаяди ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда янги босқичга чиқилади.

Диёра
КАРИМОВА,
Бўка
туманидаги
“Бунёдкор”
маҳалласи
ижтимоий
ходими.



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ҚАЛБ КЎМАК БЕРМОҚЛИКДАН ТАСКИН ТОПАДИ

Айни вақтда маҳалла тизимида фаолият юритиб, шундай шарафга мушарраф бўлиб келяпман.

Одамлар билан қанча кўп гаплашсам, улар ҳақида шунча кўп маълумотга эга бўламан. Шу орқали халқ билан янада яқинлашиб, муаммоларига ечим топиш осон кечаяпти.

Бугунги кунда ҳудудимизда 1 348 та оила ҳамда 1 188 та хонадон мавжуд бўлиб, 125 нафар ногиронлиги бўлган шахс рўйхатга олинган. Аҳолининг фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни жойида аниқлаш ва уларни индивидуал ёндашув асосида ҳал этиш фаолиятимизнинг асосий мақсадига айланган. Шу маънода эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатилиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Сизнинг қалбингиз қачон таскин топади? Қандай юмушни тамомлаб, руҳан енгил тортасиз? Тўғри, кишини бироз мушоҳадага чорлайдиган масала. Лекин саволга ҳамманинг ўзига хос жавоби бор. Мен муҳтожларга кўмак берсам, кимнингдир дардига дармон бўла олсам, бахтлиман.

Йил бошидан буён идорамизга 340 тадан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 90 фоиздан ортиғи ижобий ҳал этилган. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ижтимоий реестрда турувчи нафақадаги фуқаро Муҳаббат Мамадалиеванинг фарзанди 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Ушбу оилага бир марталик ҳамда 6 ойлик моддий ёрдам ажратилган. Шунингдек, аёлни санаторийга юбориш учун навбатга қўйдик. Ҳозирги кунда эса фуқаронинг уй-жойини таъмирлаш, мослаштириш ва энергия тежамкорлигини ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Ижтимоий реестрда киритилган ёлғиз она Гулбаҳор Фаниевани ҳам давлат ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Унинг қарамоғида уч нафар фарзанд бўлиб, фуқарога табиий газ ва электр энергияси харажатлари бўйича компенсация маблағлари ажратилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оила сифатида болалар нафақаси тайинланган.

Маҳаллада амалга оширилаётган бу каби манзилли ва тизимли ишлар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕХР ҚОЛАДИ...

ҲАМ ОНАГА, ҲАМ БОЛАГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Кундузги парвариш маркази — шунчаки жой эмас, балки келажакка умид ва ишонч билан қадам ташланадиган меҳр гушасидир.



Маржон ТОШМУРОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Сурхондарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Ангор туманида тadbиркор Мухайё Ҳасанова ташкил этган кундузги қараб туриш масканида бугунги кунда 18 нафар ногиронлиги бўлган бола парваришланмоқда. Дастлаб у хонадон кўринишида фаолият бошлаган бўлса, кейинчалик тadbиркор ташаббуси билан кенгайтирилиб, ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази сифатида қайта йўлга қўйилди.

Кундузги парвариш хизматига фарзандни берган Назира Менглиева бугунги кунда ушбу марказда тарбиячи сифатида меҳнат қилиб келмоқда. Аёл 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро. Илгари у ижтимоий нафақа олиб, фарзанди билан уйда қолишга мажбур эди. Бугун эса она-боланинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Фарзанди ишончли парваришда, ўзи эса ишли ва даромадли бўлди.

Бу каби марказлар нафақат болаларга ғамхўрлик кўрсатади, балки оилаларни қўллаб-қувватлаб, инсонларга жамиятда ўз ўрнини топиши учун имконият яратаяди.

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Илгари ногиронлиги бўлган бола парваришлайётган оилалар муаммолари билан якка қолиб кетарди.

Келажакка ишончли қадам

Авазбек АБДУСАМАТОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Сирдарё вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Хозир ижтимоий хизматлар орқали уларга манзилли ёрдам, психологик қўллаб-қувватлаш, кундузги парвариш, реабилитация ва таълимга йўналтириш хизматлари кўрсатилмоқда. Энг муҳими, бу каби кўмак турлари боланинг оила муҳитида тарбияланиши, шу билан бирга, уйда қолиб кетмай, жамиятга мослашишига имкон берапти.



Мирзаобод туманида истиқомат қилувчи Холида опа Салимованинг оилавий ҳолатини ижтимоий ходим ўрганганда, икки нафар невараси васийлик расмийлаштирилмаган ҳолда қолгани аниқланди. Айниқса, ногиронлиги бўлган невараси — Себзора Самижонованинг таълим ва парвариш жараёнидан четда қолаётганини ҳолатга жиддий эътибор қаратишни талаб қилди.

Оилага кейс очилиб, боланинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кундузги парвариш хизматига жалб қилинди. Неवारаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик расмийлаштирилди. Холида опага психологик қўллаб-қувватлаш хизмати ташкил этилди.


Амалга оширилган ишлар орқали болалар учун хавфсиз, эътибор ва парвариш муҳити, оила аъзоларига эса ижтимоий ҳордиқ, энг асосийси, ишлаш имконияти яратилди.



Солиқ базасини
КЎЧМАС МУЛК
ОБЪЕКТЛАРИ
БОЗОР ҚИЙМАТИДАН
келиб чиқиб
аниқлаш тартиби
белгиланди.



Солиқ органлари
фаолиятини
такомиллаштириш
ва соҳада замонавий
ёндашувларни
жорий этиш бўйича
ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ
қабул қилинди.



Солиқ тизими
ривожига ҳисса
қўшган шахсларни
рағбатлантириш
мақсадида “СОЛИҚ
ХИЗМАТИ ФИДОЙИСИ”
кўкрак нишони таъсис
этилади.

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №42

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бугун эрталаб уйғониб, биринчи навбатда нима қилдингиз? Балки кўпчилик каби сиз ҳам қўлингизга телефон олдингиз. Хабарларни текширддингиз, банк иловасига кирдингиз, ижтимоий тармоқларни кўздан кечирдингиз...

РАҚАМЛИ ДУНЁДА ЭНГ КУЧЛИ ҲИМОЯ, БУ — ҚУШЁРЛИК ВА БИЛИМДИР!

Гулбахор БОҚИЕВА,
Қизилтепа туманидаги “Оқма-
чит” маҳалласи фаоли.

Хозир ҳаётимизнинг катта қисми телефон ичи-га кўчиб бўлган. Тўлов қиламиз, пул ўтказамиз, кредит оламиз, ҳатто ҳужжатларимизни ҳам телефон орқали бошқарамиз. Бу жуда қулай. Аммо қўлайлик ортида кўринмайдиган хавфлар ҳам яширин. Энг ачинарлиси, одамларнинг кўпчилиги бу хавфларни жиддий қабул қилмайди. “Мени алдай олмайдми”, деб ўйлайди. Фирибгарлар эса айнан шундай ишонувчанликдан фойдаланади.



Яна бир хавф — бепул Wi-fi тармоқлари. Кафе, метро ёки бекатдаги бепул интернет қулай туюлади. Аммо шундай тармоқлар орқали банк иловасига кириш хавфи. Чунки сиз юрган маълумотларни бошқа одамлар ҳам кузатиши мумкин. Шахсий молиявий операцияларни фақат ўзингиз ишонадиган интернет орқали амалга ошириш хавфсизроқ.

Карта маълумотларига ҳам жуда эҳтиёт бўлиш керак. Карта рақами, амал қилиш муддати ва орқа тарафдаги CVV код — фирибгар учун етарли маълумот. Баъзи одамлар бу маълумотларни бемалол юборади ёки шубҳали сайтларга киритади. Айниқса, интернетдаги “арзон акция” ва “тезкор чегирма”лар одамларни осон алдаб қўяди. Сайт манзилига диққат қилиш керак. Баъзан биргина харф ўзгарган бўлади, лекин кўриниши асл сайтга жуда ўхшайди.

Сўнгги пайтда криптовалюта билан бог-лик алдовлар ҳам кўпайди. Телеграм ёки Инстаграмда “бир ойда икки баробар фойда”, “100 фоиз кафолатланган даромад” каби рекламаларга кўп қўзимиз тушади. Улар қиммат машиналар, катта уйлар, бой ҳаётни кўрсатиб одамларни ишонтиришга ҳаракат қилади. Айримлари, ҳатто сохта скриншот ва “муваффақиятли мижозлар”ни ҳам намоиш қиладди. Аслида эса криптовалюта бозори жуда мураккаб ва хавfli соҳа. Ҳатто тажрибали инвесторлар ҳам зарар кўради. Ҳеч ким аниқ фойдани кафолатлай олмайдми. Агар кимдир “пуллик икки баробар қилиб бераман” деса, бу жуда катта огоҳлантириш белгиси.

Интернетдаги яна бир хавф — фишинг, яъни сохта саҳифалар орқали маълумот ўғирлаш. Масалан, Телеграмда “давлат пул тарқатяпти” деган хабар чиқади. Одам хаволага ки-ради. Сайт расмий саҳифага жуда ўхшайди. У ерга карта маълумотларини киритади. Натижада фирибгар унинг ҳисобига кириб олади.

Шундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун жуда оддий қоидаларга амал қилиш ки-фоя. Энг аввало, SMS-кодни ҳеч кимга айтмаслик керак. Икки босқичли ҳимояни ёкиш фой-дали. Шубҳали ҳаволаларни очмаслик, номаълум одамларга ишонмаслик зарур. Энг муҳими — “тез бийиш” ваъдаларига алданмаслик.

Технология ўзи ёмон эмас. У бизга қулай-лик яратади. Лекин ундан тўғри фойдаланиш-ни ҳам билиш керак. Фирибгарлар кўпинча дастурга эмас, одамнинг ишонувчанлигига ҳу-жум қилади. Яъни улар телефонни бузмайди, одамни алдаб маълумотни ўзи беришига эри-шади. Шу сабаб бугунги даврда рақамли са-водхонлик оддий эҳтиёжга айланди. Телефон ишлатишни билишининг ўзи етмайди, хавфсиз ишлатишни ҳам ўрганиш керак. Чунки бирги-на эҳтиётсизлик йиллар давомида йиғилган маблагдан айрилиш билан тугаши мумкин.

Энг ёмони — кўпчилик алда-ниб қолганини яширишга урина-ди. Шарманда бўлишдан қўрқади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларга мурожаат қилмайди. Шу сабаб муаммо биз ўйлагандан ҳам катта-роқ.

Одатда фирибгар ўзини банк ходими, деб таништиради. Қўнғи-роқ қилиб: “Ҳисобингиздан шубҳали операция ўтганти, уни тўхтатиш учун SMS-кодни айтинг”, дейди. Одам хавотирга тушади ва кодни айтиб юборади. Орадан бир неча дақиқа ўтмай эса картадаги пул ечиб олина-ди. Аслида, ҳеч бир ҳақиқий банк хо-дими телефон орқали SMS-код сўра-майди. Код — бу сизнинг махфий калитингиз. Уни айтиш уй эшигини бегона одамга очиб бериш билан баробар.



ЖИЗЗАХ

Юклама оғир бўлса, масофа ҳам узоқлашади

Менимча, солиқчи фуқаролар учун ишончли қўмакчи бўлиши керак. Чунки давлат билан халқ ўртасидаги энг нозик кўприклардан бири ҳам айнан солиқ тизимидир.

Сафарали ОЧИЛОВ,
Зафаробод туманидаги
“Бирлик”, “Ёрқин”,
“Лолазор”
маҳаллалари солиқ
инспектори.

Тўғри, фаоли-ятимиз даво-мида баъзан қаттиққўллик қилишга ҳам тўғри ке-лади. Лекин бу ҳеч қачон кимнидир жазолаш учун эмас, балки тартиб ва қонун устуворлигини сақлаш учун қилинади. Агар фуқаролар солиқларни вақтида тўласа, тадбиркорлар эса фаолиятини қонуний ва шаффоф олиб борса, аввало, ўзининг елкаси енгиллашади. Биз ҳам хотиржам ишлаймиз. Менга бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар бу масалада елкадош бўлиб келмоқда. “Бирлик” маҳалласини мисол қиладиган бўлсам, бу ерда 148 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритади. Шундан 26 нафари фаол тадбиркор-лик билан шуғулланади, қолганлари эса ўзини ўзи банд қилган ҳолда, тикувчи-лик, сартарошлик ва бошқа хизмат кўрсатиш йўналиш-ларида меҳнат қиладди. Бун-дан ташқари, 11 мингдан ор-тиқ ер-мулк солиқ тўловчи-лари билан ишлаймиз.

Икки ой аввал иш фао-лиятимни бошлаганимда “БИЛЛИНГ” тизими орқа-ли маҳаллий солиқлардан қарздор хонадонларни



электр энергияси тизими билан интеграция қилиш жараёнида айрим муаммоларга дуч келдик. Қарздорлик мавжуд бўлса, электр тармоғидан узилиш ҳолатлари бўларди. Табиийки, бундай пайтда одамларнинг эътирозлари ҳам, савол-лари ҳам кўпаяди. Энг кўп мурожа-атлар эса солиқ ҳисоб-китоблари юзасидан бўлади. Бундай вазият-ларда уларга сабр билан тушун-тиришга ҳаракат қиламиз. Чунки

ҳар йили бюджет параметрлари бўйича қарорлар қабул қилинади, солиқ ставкалари ўзгаради. Одам эса билмаган нарсасидан чўчи-ди. Шунинг учун солиқчи фақат талаб қилувчи эмас, тушунтирув-чи ҳам бўлиши керак.

Тадбиркорлар орасида ҳам баъзан кичик хатолар учраб ту-ради. Масалан, хариддорга чек бермаслик ҳолатлари кузатила-ди. Бундай пайтда қонун асосида

маъмурий жавобгарлик қорала-рини қўллашга мажбур бўламиз. Солиқ кодексининг 221-моддаси-га асосан, харид чекини берма-ган тадбиркорга биринчи ҳолатда огоҳлантириш ва жарима қўлла-нади, бир йил давомида такрор-ланса, 2,5 миллион сўмгача, яна қайта такрорланса, 5 миллион сўмгача жарима белгиланади.

Очиги, бундан биз ҳам хурсанд бўлмаймиз. Чунки ҳеч бир солиқ ходими фуқарога жарима ёзиш-дан мамнун бўлмайди. Аммо баъ-зан қатъий қоралар қўрилмаса, майда ҳуқуқбузарликлар каттароқ муаммоларга айланиб кетиши мумкин. Айрим вазиятларда кўн-гилчанлик эмас, қонун устувор бў-лиши кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Мени энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири — маҳалла-лар орасидаги масофа ва ходим-лар етишмовчилиги. Туманда 10 та маҳалла бўлса, уларга атиги 3 нафар солиқ ходими бирик-тирилган. Бу барча хонадонлар билан яқиндан ишлашда анча қи-йинчилик тудиради.

Масалан, Зафаробод тумани-да қарийб 55 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилса, шунинг деярли бешдан бири менга би-риктирилган учта маҳаллага тўғри келади. Мен бир кунда ўртача 40-50 та хонадонга киришга ул-гурсам ҳам, барча аҳоли билан тў-лиқ ишлаш учун 5-6 ой вақт керак бўлади. Чунки ҳар бир эшик ор-тида алоҳида ҳаёт, алоҳида савол туради.

Шунинг учун менимча, маҳал-лалардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб солиқ ходимлари тақсим-ланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Баъзи маҳаллаларда 400-500 на-фар аҳоли яшайди — у ерда икки маҳаллага битта инспектор етиши мумкин. Аммо аҳолиси мингдан ошадиган маҳаллаларда битта хо-димга юклама жуда катта тушади.

Мен бу масалани фақат ўзим учун эмас, тизим самарадорли-ги учун айтяпман. Чунки солиқчи одамлар билан қанча яқин ишла-са, тушунтириш ва профилактика ишлари шунча самарали бўлади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Олим АДҲАМОВ.
Сирдарё вилояти:
— Агар мен
йил давомида
Ўзбекистонда
183 кундан кам
яшаган бўлсам, қайси
ҳолатларда барибир
солиқ резиденти
ҳисобланишим
мумкин?

“ЧЕТ ЭЛДА БЎЛСАМ
ҲАМ РЕЗИДЕНТ
ҲИСОБЛАНМАНМИ?”

Ақбар БЎРОНОВ,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ, агар сиз тегишли солиқ даврида Ўзбекистон ҳу-дудида жами 183 кундан кам бўлган бўлсангиз ҳам, бошқа давлатларда бўл-ган муддатингизга нисба-тан Ўзбекистонда кўпроқ вақт яшаган бўлсангиз, сиз Ўзбекистон Республика-сининг солиқ резиденти деб эътироф этилишингиз мумкин.

Шунингдек, агар сиз солиқ ташкилотларига узоқ муддатли меҳнат шартно-маси ёки қонунда назарда тутилган бошқа асосларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этсангиз, ўз ари-зангизга кўра ҳам солиқ резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эгасиз.

Азамат СУЙОНОВ,
журналист.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўр-тасида имзоланган меморандум доирасида маҳаллаларда амалий ишлар изчил йўлга қўйилмоқда. Жумладан, маҳалла раисларининг фавқулодда вазиятларда тўғри ва самарали ҳаракат қилиш бўйича билим ва кўникмалари ошириб бориляпти.

Хусусан, Тошкент шаҳар фавқу-лодда вазиятлар бош бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази кўмағида пойтахт маҳал-ла раислари учун фуқаро муҳо-fazасига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқулодда вазиятлар таснифи, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш мавзуларида назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Семинар давомида фавқулодда вазиятларда жабрланганларга тезкор ёрдам кўрсатишга мўлжаллан-ган махсус қутқарув отрядининг замонавий асбоб-ускуна ва техник воситалари намоиш этилди. Шу-нингдек, улардан фойдаланиш қоидалари амалий тарзда тушун-тириб берилди. Марказ профес-сор-ўқитувчилари — Равшан Ту-ропов, Владислав Шегай, Латофат Жамилова, Гулбахор Бекова, Гулжа-мол Хидирбоева ва Саидмуродхон Набихонов олиб борган машғу-лотлар қизгин савол-жавоблар ва амалий муҳокамаларга бой бўлди. Тадбир якунида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.



Ўқув жараёнларига маҳаллада истиқомат қилувчи нурунийлар, ёш болалар аёллар ҳамда иш билан банд бўлмаган аҳоли вакиллари ҳам фаол жалб этилмоқда. Бу эса аҳолининг барча қатламларида фуқаро муҳоfazаси бўйича амалий билим ва кўникмаларни оширишга хизмат қилмоқда. Шу тариқа меморандумда белгиланган вазифалар ижроси доирасида маҳаллаларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик салоҳияти босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Паркент туманида давлат захирасидаги ерни сотмоқчи бўлган МАҲАЛЛА РАИСИ ва КАДАСТР ХОДИМИ ушланди.



2030 йилгача метрополитенда ташиладиган КУНЛИК ЙЎЛОВЧИЛАР СОНИ 1,8 миллион нафарга, бекатлар сони 79 тага етказилади.



Жамоат жойларида тамаки чекиш, чиқинди ташлаш каби айрим ҳуқуқбузарликларни ИИБ ҳузуридаги ҚҲРИҚЛАШ ХИЗМАТИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ кўриб чиқади.

8

Mahalla

№42

2026 йил
23 МАЙ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



БУХОРО

ХАВФСИЗ МУҲИТ

ЖИНОЯТНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ТУРИГА БАРҲАМ БЕРИШ “ЕТТИЛИК”НИНГ МАҚСАДИГА АЙЛАНГАН

Қайси хонадонга кириб, одамлар билан суҳбатлашсангиз, тинч ва хотиржам ҳаётдан мамнунлигини билдиради. Бунинг асосий омили — маҳалламиз жиноятчиликдан холи ҳудуд экани. Эсимда, бундан бир неча йиллар муқаддам маҳаллани ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлар таркибини қайта кўриб чиқиб, кабилар энг охириги масала сифатида кўрилар эди. Бугунги ўзгаришларни фақат орзу қилардик, холос.

Юсуф ЮСУПОВ, Вобкент туманидаги “Чармгарон” маҳалласи профилактика инспектори.



Мана энди барчаси ҳақиқатга айланди. Яхши ишлашимиз учун керакли шароит ва имконият яратилди. Бу имкониятдан тўғри фойдаланганимиз натижасида икки йил давомида бирорта ҳам кўнгилсиз ҳолат кузатилмади. Қўпчилик бунга ишонқирамай, ютуқлар сабабини сўрайди. Жавоби оддий — фуқаролар онгда “менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган туйғуни шакллантирдик, халқни эргаштира олдик, уларни ҳамжиҳатликда яшашга, ишлашга ўргатдик. Жиноятчиликка қарши кураш “еттилик”нинг бош мақсадига айланди.

Бу вазифаларни бажаришда “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Президент қарори муҳим дастуриламал бўляпти. Хужжат асосида хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимлар жорий қиляпмиз.



Маҳаллада 18 та кўча бўлиб, 6 минг нафар аҳоли яшайди. Шунингдек, 5 та умумтаълим мактаби, 19 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та бозор, 1 та саноат ҳудуди ҳамда 300 га яқин савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Табиийки, бундай йирик манзилда тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш катта масъулият талаб қилади.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

Тунда туналган дўкон ҳаловатга бермас имкон...

Фарҳод ҲАЙИТОВ, Жиноят ишлари бўйича Паркент тумани суди раиси.

...Ярим тун, одамлар ором олаётган пайт. Бутун шаҳар уйкуга чўмган, кўчаларда сокинлик ҳукм сураётган маҳалда ҳеч ким кутмаган воқеа рўй берди. Шу сокинлик пардаси ортида режалаштирилган жиноят амалга оширилди.



Илгари ҳам ўғирлик қилмиши ортидан судланган, ҳали судланганлик ҳолати тугалланмаган Мирза Хурсандов (исм-фамилия ўзгартирилган) ҳаётда тўғри йўлни топиш ўрнига яна жиноятга қўл урди. Бу гал у ёлғиз эмас, балки танишлари Инъом Арзиев ва Дўстмат Жасуров билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда ҳаракат қилади.

Улар ўзларича пухта режа тузишди. Ижарага автомашина олиб, давлат рақамини яширган ҳолда юзларига ниқоб тақиб, ярим тунда ўғирликка қўл уришади. Паркент туманидаги Сайид ота номи маҳаллада жойлашган “Flesh market” савдо дўкони олдида турган “Multiplay” ҳиссадорлик жамиятига тегишли, баҳоси 28 600 000 сўмлик “ID 19912063” рақамли инфокиоск пайнет шохобчасини автомашинанинг юкхонасига юклаб, М.Хурсандов ишлаб келаётган корхонанинг

хизмат хонасига олиб келишади. Инфокиоск ичидаги 4 314 000 сўм пулни қўлга киритишади. Бу жиноий қилмишнинг бошланиши эди. Аниқроқ айтганда, улар 200 минг сўм пулни бир неча марта инфокиоск пайнет хизмати орқали “айлантириб” ўтказиш йўли билан фуқаро Фаррух Боқиев номига очилган банк пластик картага жами 116 400 000 сўмни ўтказишади. Кейинчалик бошқа банкومات орқали бу маблағни нақдлаштириб олишади. Аммо жиноий қилмиш ошкор бўлмай қолмади.

Бу оддий ўғирлик эмас, балки иқтисодий тизимга қарши қаратилган жиноят эди. Зеро, инфокиоск ичидаги нақд пуллари қўлга киритгач, ҳаптовоқлар замонавий технологиялардан фойдаланиб, янада катта миқдордаги маблағни ноқонуний равишда ўзлаштиришга ҳаракат қилишади. Бу эса, жиноятнинг мураккаб ва хавфли тус олганини кўрсатади.

Қисқача айтганда, жиноятчилар тубан қилмиши билан давлатга жами 149 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий зарар етказишди. Суд жараёнида буларнинг барчаси батафсил муҳокама қилинди ва қонуний баҳо берилди.

Хулоса шуки, ҳар бир инсон — ўз тақдирининг меъмори. Танлаган йўли унинг эртанги кунини белгилайди. Агар бу йўл ҳалоллик ва виждондан бошланса, у саодат манзилига олиб боради.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнни мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

МЕНДА САВОЛ БОР...


Диёрбек ЖЎРАБОВЕВ, Косон тумани:

— Маҳалламиз ҳудудидан ўтган автомобиль йўли жуда серқатнов бўлиб, ўқувчилар мактаб ва мактабгача таълим ташкилотига қатнашда қийинлашмоқда. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида светофор ўрнатиш учун кимга ва қандай тартибда мурожаат этсак бўлади?



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.

Светофор ўрнатиш учун кимга мурожаат қиламиз?



Бекмурод БЕКИМБЕТОВ, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига кўра, автомобиль йўлларида қуриш ва фойдаланиш ташкилотининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларига автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари, тезкор алоқа тизими қурилишини ва мазкур йўлларнинг ушбу воситалар ва тизим билан жиҳозлалишини амалга ошириш ҳамда уларнинг сақлалишини таъминлаш юкланган.

Ушбу қонун талаблари асосида йўлга эгалик қилувчи ташкилотга ҳамда ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати-га мурожаат қилинади. Мурожаатда светофор ўрнатиш манзили ва жойи кўрсатилади. Масъул ходимлар кўзда тутилган жойини ўрганиб, давлат талабларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги бўйича чиқарилган хулоса асосида светофор қурилмаси ўрнатади.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 847 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-520

